



## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ НАЗАРИЙ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**Бозорова Озода Раҳимовна**

Тошкент Кимё халқаро университети

ORCID: 0009-0003-3937-2872

**Аннотация.** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий назарий асослари, долзарб муаммолари, унинг тармоқлардаги кичик бизнес субъектлари фаолияти тенденцияси ҳамда унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари каби масалалар таҳлил қилинган. Бундан ташқари тадбиркорлик тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиши. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган имтиёзлар ресуслар, механизм ва энгилликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида расмий банд бўлган фуқароларни рағбатлантириш келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳудуд, тармоқ, салоҳият, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, барқарорлик, модернизация, диверсификация, стратегия, интеграция, инвестиция, ихтисослаштириш, самарадорлик.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

**Базарова Озода Раҳимовна**

Ташкентский международный университет Кимё

**Аннотация.** В статье анализируются такие вопросы, как научно-теоретические основы малого бизнеса и частного предпринимательства, текущие проблемы, тенденции деятельности субъектов малого предпринимательства в его сетях, возможности повышения его эффективности. Кроме того, особое внимание следует уделить комплексной поддержке бизнес-системы. Упомянуты льготы, направленные на поддержку предпринимательской активности и создание новых рабочих мест, обеспечение занятости населения за счет повышения эффективности использования ресурсов, механизмов и мощностей, поощрение граждан, официально трудоустроенных в отраслях экономики.

**Ключевые слова:** малый бизнес, частное предпринимательство, регион, сеть, потенциал, валовой внутренний продукт, валовой региональный продукт, стабильность, модернизация, диверсификация, стратегия, интеграция, инвестирование, специализация, эффективность.

**THEORETICAL SCIENTIFIC BASES OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE  
ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT**

**Bozorova Ozoda Rakhimovna**  
Kimyo International University in Tashkent

**Annotation.** *The article analyzes such issues as the scientific and theoretical foundations of small business and private entrepreneurship, current problems, trends in the activities of small businesses in their networks, and opportunities to increase their efficiency. In addition, special attention should be paid to comprehensive business system support. Mention is made of benefits aimed at supporting entrepreneurial activity and creating new jobs, ensuring employment of the population by increasing the efficiency of using resources, mechanisms and capacities, and encouraging citizens officially employed in sectors of the economy.*

**Key words:** *small business, private entrepreneurship, region, network, potential, gross domestic product, gross regional product, stability, modernization, diversification, strategy, integration, investment, specialization, efficiency*

**Кириш.**

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг кучайиши турли мамлакатлар ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақамланиши ва иқтисодиётлар ўзаро боғлиқлигининг ўсишида кўринмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш суръатлари ва аҳолисининг фаровонлик даражаси мамлакатнинг глобаллашув ва меҳнат тақсимотининг устун жиҳатларидан қай даражада тўлиқ фойдалана олишига кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда.

Тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса саналиб, у ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Мазмуни ва моҳият жиҳатдан эса барча учун унумли фаолиятни англатади (Жумаев, 2011).

**Адабиётлар шарҳи.**

Тадбиркорликнинг ривожланишида назарий ёндашувларни Болтабоев (2011) раҳбарлигида бир қатор муаллифлар классик олимларнинг Адам Смит, Ричард Кантильон, Жон Батист Сей, Жон Бейц Кларк, Й.Шумпетер ва Г.Пиншо фикрларини батафсил ёритганлар (Болтабоев, 2011). Демак, XVIII асрда иқтисодчи Ричард Кантильон (1680-1734) “Умумий савдо табиати юзасидан иншо” (Essay on the Nature of Trade in General) номли китобида қўллаган эди. Ричард Кантильоннинг (2004) фикрича, тадбиркор – риск (хавф-хатар) шароитида фаолият юритувчи шахс. Шунга кўра тадбиркор ер ва меҳнат омилига иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойликлар сифатида қараган.

Сўнг, иқтисодчиси Жон Батист Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод трактати” китобида тадбиркорлик фаолиятидаги ишлаб чиқариш омилларини кўрсатиб ўтган, унга ер, капитал ва меҳнат киритилган. Жон Батист Сейнинг (2000) таъкидлашича, тадбиркор даромади меҳнат, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, маҳсулотни сотиш жараёнида пайдо бўладиган фойдали иноятдир. Тадбиркор маълум бир рискка бориб, муайян маҳсулотни ишлаб чиқариши натижасига бунга эришади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити, ишчан муҳит ва ишбилармонлик муҳити бир хил мазмунда қўлланилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи кўплаб ҳуқуқий қонунчилик ҳужжатларида ишчан муҳит ва ишбилармонлик муҳити шаклида қўлланиб келинмоқда (Қарор, 2011; Фармон, 2011).

### Ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши



**1-расм. Ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши<sup>127</sup>**

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бошқариладиган жараёнدير. Ишбилармон муҳити тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига тескари таъсир тадбир эмас, унинг тадбиркорлик субъектларнинг шакллантиришг борасида қулай инфра-тузилмани таркиб топтиришдан иборатдир.

Шуни қайд этиш керакки, турли тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги – қулай ишбилармонлик муҳитида рақобатбардошлиги бошқариш имконини беради. Самарали кооперация натижасида йирик корхоналар атрофида тўпланиб, синергия самараси ҳосил қилиши корхоналар ўзаро бир бирларига керак бўлган муҳим қисмларга айланишлари мумкин, натижада барча иштирокчилар муҳим афзалликларга эга бўладилар – бозорда тўла ҳаракатчанлик, ўсувчанлик ва янги инновацион ёндошувлар имкониятларига эга.

Турли тадбиркорлик субъектларини ўзаро ҳамкорлигини боғловчи тугун бу фойдадан ташқари мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш интилиши жиҳатидан кўриб чиқиш мумкин. Табиийки, тадбиркорлик субъектлари молиявий-иқтисодий фаолиятининг ҳар бир йўналиши учун корхоналарнинг ўзаро кооперацияси учун вазифаларни аниқлаш керак.

Шундай қилиб, самарадорликни ошириш учун корхоналар интеграциясининг муҳим жиҳати янги бозорларга чиқиш, харажатларни камайтиришдир. Бу орқали кооперация иштирокчилари бозордаги улушини ва рақобатбардошлигини оширади, бу эса операцион даромаднинг юқори бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, ўзаро биргаликдаги фаолият натижасида ҳамкор корхоналарнинг умумий харажатлари пайдо бўлсада, бу уларнинг молиявий ҳолатини яхшилади ва харажатларни камайтиради. Халқ фаровонлигини ошириш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Томорқани ривожлантириш” каби дастурлар қабул қилинди. Бу дастурлар аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилмоқда<sup>128</sup>.


#### **Тадқиқот методологияси.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони -19121 минг, банд аҳоли сони - 13205 минг ташкил этади<sup>129</sup>.

<sup>127</sup> Илмий манбалар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>128</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3408>

<sup>129</sup> <https://mehnat.uz/uz/news/aellarni-ish-bilan-taminlash-tadbirkorlikka-zhalb-etishda-davlat-tashkilotlari-bilan-hamkorlikning-ahamiyati-va-istiqbollari>



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий асосий тармоқларидаги улуши (Сэй, 2000)**

Мамлакатда сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу жараёнда соҳада ижтимоий-меҳнат муносабатларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ҳар қандай мамлакатда сиёсий тизимнинг барқарорлиги тадбиркорликни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади. Агар сиёсий тизим беқарор бўлса, тадбиркорлар катта сармояларни жалб қилмасдан юқори фойда олиш учун қисқа вақт ичида турли операцияларни ўтказишга ҳаракат қилишади. Сиёсий вазиятнинг барқарорлиги тадбиркорга ўз фаолиятини стратегик жиҳатдан қуриш, яъни узоқ муддатли лойиҳаларни режалаштириш ва уни амалга оширишга шароит яратади.

Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида шаклланган ташкилий-иқтисодий механизм хизматлар бозорида уларнинг фаолиятини тўлақонли назорат қилиш ва бошқаришни ташкил эта олиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳаси ташкилий таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Рақамли иқтисодий шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни соҳаларининг таркибий тузилмаси – бу мураккаб ташкилий-иқтисодий тузилма ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳаси моҳияти ва мазмунига кўра, замонавий ҳаёт сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон капитали ривожланишига шарт-шароит яратиш ҳамда меҳнат тақсмотининг нисбатан юқори даражага ўтишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг турли кўринишларини ва йўналишларини ўз ичига олади.

Бунда асосий эътибор интеллектуал ресурслардан фойдаланишда фан ва ахборотлар технологиялари сиғими катта бўлган замонавий тармоқларни ривожлантиришга қаратилган. Жамият тараққиётидаги бундай ҳолат иқтисодийнинг бошқа соҳаларига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кенгроқ ривожланишини талаб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳа ва тармоқларининг ривожланиб бориши ривожланган бозор иқтисодийётига асосланган

мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот таркибини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда муайян мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳиссасининг 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш тармоқларида иқтисодий ўсишнинг омилларини аниқлаш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш муҳим ҳисобланади.

## 1-жадвал

**Тармоқлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)<sup>130</sup>**

Тармоқлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Тармоқлар бўйича жами	31242	21078	26334	26037	26896	38167	48922	92874	93200
Саноат	7708	5457	7316	6450	5841	10182	11262	19496	18596
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3647	2231	2417	2293	2351	3337	5144	7469	14969
Қурилиш	2236	1936	2766	3134	2850	3788	6360	8730	6009
Транспорт ва алоқа	1831	1148	1542	1522	2099	2831	3335	-	2397
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	4372	2024	2256	2725	-	-	-	-	
Савдо ва умумий овқатланиш	9012	6494	7803	7604	2403	11244	15604	-	35213
Маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	663	483	581	527	-	-	-	-	
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	680	551	821	802	486	858	1154	1269	1450
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	580	422	523	718	-	-	-	-	
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	513	332	309	262	3730	4120	5621	-	5637

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шунингдек, Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастурининг ташкилий-институционал тузилмаси ва ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишлар амалага оширилмоқда.

Бу борада, давлат дастурни амалга ошириш бўйича, 2023-2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари йўналтирилсин белгилаб берилган. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожланишига ҳисса қўшади. Шу билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида, асосий воситаларни сотиб олиш учун лизинг бериш вазифалари белгиланган бўлиб, бунда 100 миллион сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 миллион сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш амалиёти татбиқ этилади. Шунингдек, консултатив қўллаб-қувватлаш йўналишида лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш масалалари, божхона ва солиқ маъмуриятчилиги, экспорт ва импорт операциялари, шартномаларни расмийлаштириш, давлат харидларида иштирок этиш, шунингдек, ер участкалари ва бино-иншоотларни сотиб олиш ёки ижарага олиш ва лойиҳалаштириш вазифалари амалга оширилади. Бундан ташқари, Президентимизнинг жорий йил 15 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2024-2026 йилларда банк бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар қолдиғини 1,7 бараварга ошириш орқали кредит портфелидаги улушини 28 фоиздан 43 фоизга етказиш, 150 мингта кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш, кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жами 800 миллион АҚШ долларигача миқдорда ресурслар жалб қилиш, 300 миллион АҚШ доллари миқдорда облигация (эвробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимизда 2015-2021 йилларда тармоқлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони ўзгаришининг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур кўрсаткич учун 2015-2017 йиллар оралиғида муайян даражадаги беқарорлик хос бўлиб, фақат 2015 йилдан бошлаб изчил ва барқарор ўсишга эришилган. 2023 йилда 92,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,8 % кўп демакдир.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тадбиркорлик фаолияти учун муҳим бўлган ишбилармонлик муҳитини шакллантириш эса бошқариш мумкин бўлган жараён ҳисобланади. Шу билан бирга, бошқарув усули маъмурий-буйруқбозлик кўринишида бўла олмайди. Уларнинг асосан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қиладиган тадбир эмас, балки бу каби субъектларнинг шаклланишига етарли шароитларни таркиб топтиришдан иборат бўлиши керак. Шунга кўра, ишбилармонлик муҳитига ўзаро мувофиқ ва мутаносиб тарзда шаклланган ҳамда уйғунликда амал қилувчи таркибий қисмларнинг мажмуи сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тўпланган илғор хорижий ва республикамизда тўпланган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда келгусида мазкур секторни янада ривожлантириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

- кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий, ахборот, ҳуқуқий, кадрлар ва молиявий таъминлаш борасидаги институционал асосларини янада такомиллаштириш;

- соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш;

- йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро самарали ҳамкорлик соҳаси сифатидаги sanoat худудларини ташкил этиш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш; - солиққа тортишнинг фаолият соҳасини (асосий эътибор илмталаб ва экологик технологияларга қаратилган), тадбиркорларнинг ижтимоий мақомини (муайян имтиёзлар ёшларга, аёлларга, ногиронлар, пенсионерларга) ва минтақаларни ривожлантириш (қолоқ минтақалар учун имтиёзлар)ни ҳисобга олган тарзда табақалаштириш муҳим ҳисобланади.

### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

Nevin, Seamus. "Richard Cantillon: () The Father of Economics". *History Ireland (JSTOR)* 21 (2): 20–23.

Болтабоев М.Р ва бошқалар (2011). *Кичик бизнес ва тадбиркорлик*. –Т.: Фан.

Жумаев Н.Х. (2011) *Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма*. Проф. Н.Х.Жумаевнинг таҳрири остида. Т.: Adib nashriyoti.

Кантильон Р. (2004) *Эссе о природе торговли в общем плане // Мировая экономическая мысль. Сквозь призму веков. — М.: Мысль, Т. 1.*

Қарор (2011) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида” 2011 йил 7 январь, ПҚ-1464-сон Қарори.*

Сэй Ж.Б. (2000) *Трактат по политической экономии*. Бастиа Ф. *Экономические софизмы. Экономические гармонии. / Сост., вступ. ст. и коммент. М. К. Бункиной и А. М. Семенова. — М.: Дело.*

Фармон (2011) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 август “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4354-сон Фармони.*